

ZIZIPHORA ТУРКУМИГА МАНСУБ АЙРИМ ЎСИМЛИКЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ХОМ – АШЁСИНИ ТАЙЁРЛАШ



H.Z. Арабова

Тошкент давлат аграр университети,
Экология ва ботаника кафедраси доценти,
биология фанлари номзоди
arabova_nodira@mail.ru

N.Z. Arabova

Tashkent State Agrarian University,
Docent of Ecology and Botany department, PhD
arabova_nodira@mail.ru

Annotation. Ушбу мақолада *Ziziphora* туркумига мансуб айрим доривор ўсимликларни уруғидан кўпайтириш учун амалга оширилган агротехник тадбирлар, экиш усуллари, ўсимликларни парваришлаш агротехникаси қисман ёритиб берилган. Бундан ташқари ўсимликларни териш, қутиши ва сақлаш усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Key words. *Ziziphora* туркуми, уруғдан кўпайтириш, хом-ашё, қутиши.

Агротехник тадбирлар. Ўзбекистоннинг барча тоғли ҳудудларида *Ziziphora* туркумига мансуб вакиллар кенг тарқалгандир. Республикаизда кийикўтини экиб ўстириш учун унумдор, текис, бегона ўтлардан тозалангандан ва механик таркиби ўртacha бўлган тупроқли майдонлар ажратилади. Кийикўтини доривор ўсимликлар экиладиган хўжаликларда уни маҳсус сабзавот ва озиқабоп экинлар режалаштириладиган майдонларга алмашлаб экиш мақсадга мувофиқдир.

Кийикўтини экиш агротехник талабларига кўра, ажратилган майдонлар 10-15 см чуқурликда юмшатилади. Орадан 15-20 кун ўтгач кузда гектарига 15-20 тонна маҳаллий ўғит ёки 40-50 кг дан соф фосфорли ўғитлар киргизиб, 27-30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилади. Ўсимликни экиш олдидан тупроқнинг зичлигига ва бегона ўтларнинг пайдо бўлишига қараб ерларни культивация ва бороналаб қўйилади.

Ўсимликни уруғидан кўпайтириш учун яшикчага ёки маҳсус ург экиш учун ажратилган жойдаги тупроққа қум ва оз миқдорда ўғит аралаштириб тайёрланади. Кейин уруғларни сепилади ва устига жуда юпқа, 1-1,5 см қалинликда тупроқ сепилади. Иссиқликни сақлаб туриш учун уруғлар сепилган

яшикчалар ойна билан ёпилади. Намлики мейёрида сақлаб туриш учун сув сепиб турилади.

Униб чиққан ниҳоллар жуда нозик бўлади. Улар эҳтиёткорлик билан биттабитта қилиб доимий жойига экилади. Ўсимлик уруғини катта майдонларга экишдан аввал ер яхшилаб ишланади, ҳар хил ўт ва илдизпоялардан тозалангандан сўнг уруг сепилади. Ўсимликни катта майдонларга экилганда уруғлар сеялкалар ёрдамида гектарига 6-7 кг дан, чуқурлиги 1-1,5 см, оралиқ масофаси 45-60 см қилиб экилади.

Кийикўтини тажриба қилиб етиштириш учун 1 м² тупроқни ковлаб, ичига 4 кг органик ўғит, 20 г олtingугуртли аммоний тузи, 30-40 гр суперфосфат ва 10 гр калий тузи солинди. Ерга уруғни 0,5-1 см чуқурликда ва қатор ораси 45-60 см бўлган ҳолатда экилади. 1 м² жойга экилган ўсимликларни 10-20 г амиакли селитра ва суперфосфат бериб озиқлантирилади. Ўсимликни йифиб-териб олгандан кейин ерни иккинчи марта ўйтланади. Ўсимлик вегетация даврида бўйи 10-15 см га етганидан кейин барг ва ёш новдалари чилпиб чиқилади. Бу иш вегетация давомида 2 марта такрорланади. Мазкур майдончадан камида 4 йил фойдаланилади.

Кўп йиллик ўсимликларнинг гуллаш ва уруғлаш даврида ер устки ҳосилдорлиги (қуруқ биомасса га ҳисобига) гектарига 1350 кгдан 4704 кг гача бўлиши мумкин. Табиий ҳолдаги ҳосилдорлиги 150-200 кг атрофида бўлади.

Ўсимлик ўсув даврида ўргимчак канда, шира, ялпиз қўнғизи ва ун шудринг каби зааркунандалар, занг ва фузариоз билан касалланишини олдини олиш мақсадида митак, байлетон ва каллоидли олtingугурт препаратлари билан ўсув даврида пуркаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хом-ашёни тайёрлаш. *Ziziphora* туркумига мансуб вакилларни ер устки кисми ўсимлик гуллашни бошлаган даврда терилади, ўрок, пичоқ ёки токқайчи билан кесилади. Қалин бўлиб ўсган ўсимликлар бегона ўтлардан тозаланади, кейин эса ёнига қийшайтириб тўғриланади ва ўриб олинади.

Қуритиш. Хом-ашёлар ҳар хил кўринишда турли хил ҳароратда қуритилади. Эфир мойларини сақлайдиган хом-ашёлар жумладан, *Ziziphora* туркумига мансуб вакиллар 30-35°C дан юқори бўлмаган ҳароратда қуритилади. Юқорироқ ҳароратда қуритиш эфир мойлар микдорининг тез камайишига ва хом – ашё қийматининг пасайишига олиб келади.

Бироқ, қоидага кўра хом-ашёни иситиш ҳарорати 50-60°C дан юқори бўлиши керак эмас, чунки юқори ҳароратда айрим доривор моддалар парчаланади. Хом-ашёни очиқ ҳавода, айвон, бостирма ёки хоналарда ҳаво билан қуёш иссигидан фойдаланиб қуритиш мумкин. Фақат ёз ва эрта кузда қуруқ об – ҳаво шароитида очиқ ҳавода қуритиш мумкин.

Хом-ашё қуритишнинг ушбу усулида күёш нурлари таъсирида керакли биологик фаол моддалар парчаланиб кетмайди. Хом – ашё брезентга ёки бошқа матолар устида қуритилади. Кечқурун уни шудрингдан ҳимоя қилиш учун ёпиш зарур. Кўпроқ очиқ айвонлар тагида қуритиш мақсадга мувофиқдир, чунки бу жойларда шамол айланиши яхши бўлади ва хом–ашёга учун керакли шароит яратилади.

Айвонлар остидаги сояда амалда барча турдаги доривор ўсимликларнинг хом – ашёсини қуритиш мумкин. Доривор хом – ашёни яхши елвизак бўладиган шифир ёки темир том остидаги чердакда ёки ёпиқ хоналарда ҳам қуритиш мумкин. Иссиқ қуёшли кунларда чердакларнинг ҳаво ҳарорати 40-50°C га етади. Бундай шароитда хом – ашё тез қурийди, ўз рангини, ҳидини, биологик фаоллигини йўқотмасдан яхши сақланади. Чердакда қуритиш майдонини кенгайтириш учун қоплардан, дока ёки бошқа юмшоқ матолардан сўри қилинади. Сўри қаватларининг оралиқ масофаси 30 –60 см бўлади. Хом – ашё бир хил қалинликда 1–2 см қилиб ёйилади (тахланади), барглар буралмаслиги ёки букилмаслиги учун тўғирланади.

Битта чердакда бир турга мансуб ўсимликдан тайёрланган хом – ашёни қуритиш тавсия қилинади. Агар бундай қилишнинг имкони бўлмаса, улар орасидан ўтиш учун жой қилиниб, хом – ашёлар алоҳида жойларда қуритилади. Сўрида қуритилган хом – ашёнинг сифати яхши бўлади, шунинг учун чердакнинг полига мато ёки бошқа нарсалар тўшалади. Хом – ашёни чердакда қуритиш учун яхши шамоллатиб туриш лозим бўлади. Чердакнинг ён тарафларидаги дераза ва эшиклари очиб қўйилади; қўшимча сифатида ҳаво сўрвчи қувурдан ҳам фойдаланиш мумкин. Хом – ашёни чорвачилик фермасининг чердагида қуритиш мумкин эмас, чунки у жойларда бошқа бегона ҳидлар бўлади. Ёзги таътил даврида келишув асосида мактаб хоналаридан қуритиш учун фойдаланиш мумкин. Совуқ ёмғирли кунларда ўсимликнинг ер остки қисмлари ва меваларидан йигилган хом-ашё сунъий иситиш орқали қуритилади. Бунинг учун турли иситгичлар ва қуритгичдан фойдаланиш мумкин.

Агар хом – ашё енгил бўлиб қолса қуритиш тугаган ҳисобланади, сўнгра ўсимликнинг қуриган барглари, гуллари ва тўпгуллари кукун қилиб майдаланади; илдизи, илдизпояси, пўсти, поялари синиб кетадиган хусусиятга эга бўлади; сувли мевалари ёйиб жойлаштирилади ва уларни нам қўл билан сиқилмайди. Турли хил ўсимликларда уларнинг ҳар хил қисмлари қуруқ хом – ашё ҳисобланади. Ўсимлик органларидан тайёрланган ўртacha қуруқ хом–ашё қуйидагича бўлади (%): ўтлар – 20 – 25; барги – 15– 25; гуллари ва тўпгуллари – 14 – 25 фоизни ташкил қиласди.

Сақланиши. Құритилған ўсимликлар матолардан қилинған қопчаларга ёки қоғоз пакетларға солинади ва мустаҳкам ясалған яшик ёки саватларға жойлаштирилади. Агар хом–ашё таркибида эфир мойлари ёки бошқа учувчи моддалар бўлса, унда уни пўкақ билан оғзи мустаҳкам бекитилған шиша идишларда сақланади. Тайёр бўлган доривор хом – ашё қуруқ, салқин, яхши шамоллайдиган хонада, қоронги жойда сақланади: гуллари, ўтлари ва барглари – 1–2 йил; илдизпояси – 2–3 йил шифобахшлик хусусиятини йўқотмайди.

Адабиётлар:

1. Ёзиев Л.Х., Арабова Н.З. Доривор ўсимликлар. -Қарши: Насаф, 2017.
2. Курмуков А.Г., Белолипов И.В. Дикорастущие лекарственное растения Узбекистана. –Т.: Extremupress, 2012. - 288 с.
3. Халматов Х.Х., Харламов И.А., Мавланкулова З.И. Лекарственные растения Центральной Азии. –Т.:Абу Али Ибн Сино, 1998. -296 с.